

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

НАМУНА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
« _____ »


МЧЖ рахбари

_____ Ш.Кадиров
“ _____ ” _____ 2018 йил

Асосий мақсади: _____ вилояти, _____ шаҳар, ЮКСАЛИШ САНОАТ ЗОНАСИ ХУДУДИДАН 1.30ГА БЎЛГАН ЕР МАЙДОНИГА ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОСИНИ ҚУРИБ ПЛАСТМАССА СУВ СИҒИМЛАРИ, ҚУВУРЛАРИ ВА ҚИСМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МАХСУЛОТЛАРНИ КЕЛГУСИДА ЭКСПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ НАТИЖАСИДА 100 НАФАРГАЧА ЯНГИ ИШ ҶУМЛАСИДА ЯРАТИШ МАҚСАДИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ЛОЙИХА.

БИЗНЕС-РЕЖА

БИНО ВА МАХСУЛОТ КЎРИНИШИ.



Мазкур бизнес-режа эгаси:	« _____ » МЧЖ
Мулкчилик шакли:	ЖАМОА
Фаолият тури:	ПЛАСТМАССА СУВ СИҒИМЛАРИ, ҚУВУРЛАРИ ВА ҚИСМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
Банк номи:	“ИПАК ЙЎЛИ БАНК” _____ бўлими
ЛОЙИХА МУДДАТИ:	4 йил.
Лойиҳа қиймати:	13 183 000 000сўм
Шундан ўз маблағи:	6 479 000 000сўм
Кредит маблағи:	6 704 000 000сўм.
Кредит муддати, фоизи:	4 йил, 8 %

_____ -2018йил

ЛОЙИХАНИ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

Ушбу лойихани яратилишида аввало тадбиркорлик фаолиятини янги бошламоқчи ва ривожлантиришмоқчиларга, умуман олганда тадбиркорлик соҳасига мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан йилдан-йилга кенг имконият ва имтиёзлар энг асосийси ишонч берилаётганлигидир.

Шу билан бирга мижозларни ушбу маҳсулотларга бўлган талабларни эътиборга олган ҳолда фаолиятни кенгайтиришни мақсад қилдик.

2006 йилдан бери шу фаолият билан шуғулланиб келаётганлигимиз борган сари резинадан кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариб мижозларнинг талаблари юқорилиги сабабли фаолиятни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишни кўзладик. Бизнинг қизиқишларимиз бор куч ғайратларимиз билан ушбу соҳани сир-асрорларини тўлиқ тушунишга ҳаракат қилдик. Ҳозирда ўз иш фаолиятимизни яъни хусусий корхона ташкил этилган ҳолда ишлаб чиқариш жойини ижарага олиб иш фаолиятимизни *Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқаришни* олиб боряпмиз. Бизда келгусида чет давлатларидан замонавий дастгоҳларни олиб келиб ишлаб чиқариш “политилен маҳсулотларини турини кўпайтириш ва фаолиятни кенгайтиришда жой муаммоси борлиги сабабли ушбу ишлаб чиқаришларни йўлга қўёлмаяпмиз ва тўлиқ фойдаланиш имконияти иложи йўқ. Бунинг учун тегишли бўлган бирма-бир амалиётда фаолиятнинг босқичларини амалга оширдик ва оширмоқдамиз.

Жумладан: Ушбу лойихани амалга ошириш фаолиятни кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми 4-5 бараварга кўтарилиши кутилмоқда бошқа резина буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида соҳа мутахассислари билан маслаҳат қилган бизнес-режасини ишлаб чиқиш зарурлигини ва мутасадди ташкилотларга тақдим этиш лозимлигидир. Бу орқали халқимизга ва давлатимизга оз бўлсада ўз хиссамизни қўшиш ҳамда халқимиз турмиш тарзини яхшилашга ва буюджетимиз даромади кўпайишига эришилишини кўзда тутганмиз.

Шу билан бирга маҳаллий ва хорижий аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ушбу маҳсулотларни тез ва сифатли етказиб бериш орқали ички ва ташқи бозорларда ўз ўрнимизга эга бўлишимизга ҳамда белгиланган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда фаолиятимизни ўз ишлаб чиқариш майдонимиз ер майдонига эга бўлиши зарурлигини англаб етлик ва тақлиф лойихасини ишлаб чиқлик.

Мундарижа.

- 1. Махфийлигини таъминлаш меморандуми*
- 2. Кириш*
- 3. МЧЖ хақида маълумот.*
- 4. Лойиха раҳбари хақида маълумот.*
- 5. Лойиханинг асосий мақсади.*
- 6. Фаолият режаси*
- 7. Лойиха қиймати*
- 8. Молиялаштириш режаси*
- 9. Иш режаси*
- 10. Иқтисодий кўрсаткичлар*
- 11. Пул оқимининг харакати*
- 12. Хулоса*

ШАРХ

1. Тадбиркорлик субъектларини тижорат сирини таъминлаш.
2. Фаолият ташкил этиш ёки кенгайтиришда асосли хужжатлар тўғрисида.
3. Ташкил этилиши, раҳбари, малакаси, фаолият турлари тўғрисида.
4. Ғоя, фикр, муносабат, таклифларни амалга оширишда жамлаб харакатдаги шахс.
5. Ишлаб чиқилган лойихани мақсадиди, вазифасини, фойдалиқ тарафлари йўналиши.
6. Лойихани амалга оширишда, хар бир йўналишни режалаштириш.
7. Лойиха амалга оширишда барча харажатларни жамламаси.
8. Режалаштирилаётган фаолият йўналишини харажатларга пул маблағларини тақсимлаш.
9. Лойихани амалга оширишда бажариладиган ишларни аниқлаш, режалаштириш.
10. Лойиха амалга оширилган сўнг, ундан олинадиган иқтисодий натижалар.
11. Амалга оширилган фаолият натижасида харажат ва тушумларни йиллик кўрсаткичи.
12. Хулосада ушбу фаолият турини амалга ошириш натижаларини, кўрсатиб ўтиш, таърифлаш

Махфийлигини таъминлаш Меморандуми.

Ушбу «Бизнес-режа»да тақдим этилаётган барча маълумотлар “_____” масъулияти чекланган жамиятининг тижорат сири ҳисобланади.

Унинг мазмуни билан танишиш “_____” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Кадировнинг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

«Бизнес-режа» билан танишган шахс ундаги маълумотларни “_____” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Кадировнинг розилигисиз ёки вакилисиз бошқа шасхларга бу лойихани ўрганиш, кўчирма қилиш, ўзгартириш, ошкор қилиш ва бошқа шахсларга тарқатилиши таъқиқланади.

Агар ушбу «Бизнес-режа» маблағларни инвестиция қилиш учун қизиқиш уйғотмаса уни муаллифига қайтаришингиз сўралади.

Мазкур бизнес-режанинг навбатдаги қисмларида махсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва унга сарфланадиган харажатлар миқдори ва суммалари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги баъзи бир ҳолатлар тўлиқ кўрсатилмаган нархлар ҳам ўртача нархларда кўрсатиб ўтилмоқда.

МЧЖ раҳбари _____ Ш.Кадиров

ИМЗО

2.КИРИШ.

Ўзбекистон Республикасида Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари асосида мамлакатимизда иқтисодиётнинг бугунги кунда ривожланиш босқичида бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодиётнинг моддий базасини яратиш бўйича ҳукумат олиб бораётган сиёсат, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, тадбиркорлик кенг имкониятлар бериш, маҳсулот ва хизматлар экспортни ривожлантириш, уларга имтиёзли кредитларни ажратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар янада йилдан-йилга фаоллашиб жадаллашиб бормоқда.

Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга йилдан-йилга берилаётган кенг имкониятлар ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш ҳамда ҳукуматимиз томонидан бизга билдирилган ишончни тўла оқлашга ҳаракат қилишимиз зарурлигини янада чуқур англашимиз зарур. Бунда ҳар бир тадбиркорлик субъектлари ўзларига юклатилган мажбуриятларини ҳам билиши лозим.

_____ вилояти, _____ шахрини иқтисодиётининг бугунги ривожланиш босқичида бўлаётган ўзгаришлар, тадбиркорлар сонини йилдан-йилга ортиб боришида, уларга берилаётган улкан эътибор, ғамхурлик, бағрикенглик айниқса ёшларни тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда алоҳида эътибор берилиши, тажриба алмашишда хорижий мамлакатларга малака ошириш, маҳсулотларни экспорт қилишда имтиёзлар белгиланганлиги, шу билан бирга янги замонавий типдаги қурилган ва қурилаётган турар жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлиги бунинг айнан исботи деб баралла айта оламиз.

Ҳукуматимиз томонидан белгиланган бир қатор имтиёزلардан унумли фойдаланиш мақсадида МЧЖ томонидан мижозларга ***Пластмассадан сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилган ҳолда*** ушбу маҳсулотларга бўлган талабларини имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қондиришни, ўзимиз туғилиб ўсган мамлакатимизнинг, юртимизнинг иқтисодий ўсишига унинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишликни олдимизга аниқ мақсад ва вазифа қилиб қўйганмиз.

2.1.КИРИШ

Ушбу лойихани амалга ошириш орқали вилоятимиз (шахримиз)нинг қуйидаги натижаларга эришилиши кутилмоқда. (Х.К фикри)

1.Шахримизда *Пластмассадан сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш* фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони ортади. Соғлом рақабат вужудга келади ва махсулот сифати кўтарилиб нархларини орзонлаштиришга яъни қулай нархларда сотиш белгиланади.

2.Янги иш ўринлари яратилади. (ишсизлик даражаси камаяди ёки кўпайишини олди олинади)

3.Махаллий ва хорижий аҳолини махсулотга бўлган эҳтиёжи маълум даражада қондирилади.

4.Юртимиз иқтисодиётининг ўсишига хисса қўшилади.

5.Аҳолини турмиш (яшаш) тарзи янада яхшиланади.

(МЧЖда фаолият олиб бораётган ишчи-хизматлар ва бошқалар)

6.Махсулотни келгусида экспортга йўналтириш орқали Х.К даромади 3-5 бараварга ошади.

7. Махсулот хом-ашёлари махаллий тадбиркорлардан сотиб олиниши ҳисобига, ўша тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланишига ёрдам берилиши. (агарда махсулот-хом-ашёларини чет мамлакатлардан олиб кирилса, маблағ чет давлатлари корхоналарига чиқиб кетишига сабаб бўлади.)

8. Бошқа яхши натижаларга эришиш кутилмоқда.

МЧЖ йилдан-йилга фаолиятини олиб бориш ва кенгайтириш натижасида ўз-ўзидан молиявий ҳолати яхшиланади, бунда махсулот турларини кенгайтириш ҳисобига, янгидан-янги ишлаб чиқаришлар ташкил этилади ва янги иш ўринлари сони ортиб боришига эришилади.

Бунинг учун ҳар бир тадбиркор ўз устида ишлаши, билим ва кўникмаларга эга бўлиши, доимий махсулотларга бўлган талаб ва таклифларни ўрганиб бориши, сабрли ва ҳаракатдан тўхтамайдиган, изланувчан, ташаббускор ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тезкор қарор қабул қилиш, янгиликка доимо интилувчан бўлиши зарур деб биламан.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолият туридан катъий назар амалдаги қонунлар доирасида фаолият олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари учун ривожланиш демакдир.

3. МЧЖ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ.

“_____” МЧЖ, _____ вилояти,
_____ шаҳар “Ягона дарча” Марказидан йил «»
февралдаги №_сонли реестр рақами билан давлат рўйхатдан ўтган.

**Жамият: Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари
ишлаб чиқариш**

Жамият ҳисобчиси: _____

Ишчилар сони: 26 нафар (келгусида 100 нафаргача)

Тадбиркор тел:

Жамият манзили: _____ вилояти,
_____ шаҳри, -уй (хозирда ижара асосида фаолият
олиб бораётган жойи)

Лойихани амалга ошириш жойи: _____ вилояти,
_____ шаҳар. ЮКСАЛИШ САНОАТ ЗОНАСИ
худудида

**Асосий фаолият тури: Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва
қисмлари ишлаб чиқариш**

Қўшимча фаолият тури: Фаолиятни кенгайтириш.

Банк реквизитлари:

Х/Р миллий валютада сўмда.

МФО: 01054

ИНН:

Лойиха қиймати: 13 183 000 000 сўм

Шундан ўз маблағи: 6 479 000 000сўм

Кредит маблағи: 6 704 000 000сўм

4. Лойиха раҳбари тўғрисида қисқача маълумот.

Лойиха раҳбари: “ _____ ” МЧЖ раҳбари

ФИШ:.

Туғилган йили:

Туғилган жойи:

Миллати:

Ўзбек

—

Жинси:

Эркак

Паспорт ҳақида маълумот:

Партиявийлиги:

йўқ

Маълумоти:

ўрта махсус

тел:

—

Кайси чет тилларини билади:

МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ

2006 й – х/в. МЧЖ раҳбари

1-Жадвал

№	Ф.И.Ш	Лавозими	Маълумоти	Иш стажи	
				умумий	Шу соҳада
1		МЧЖ раҳбари	ўрта махсус	7	7

Молия мухит —————> Банк, ҳисоб системаси

Лойиха валютаси —————> Миллий сўмда.

Изоҳ: МЧЖ иш фаолиятини олиб бориш давомида ишлаш давомийлигини таъминлашни яъни узлуксиз иш фаолиятини олиб бориш борасида изланиши, амалдаги қонунлар асосида назорат қилиш ва иш олиб бориши, ўзи устида ишлаши, талаб ва таклифни ўрганиши, самарали меҳнат қилиши натижасида иш фаолиятини узликсизлигини таъминлашга ва маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқариш ва етказиб беришга эришиши мумкин.

5.ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тадбиркорлик субъектларига кенг имконият ва имтиёзлар бериш ҳамда хусусий мулкни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, хар бир соҳасини ривожлантириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолига сифатли, қулай, арзон нархларда маҳсулот ва хизматларни кўрсатиш сонини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятларини яхшилаш. қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай ишбилармонлик муҳитини шарт-шароитларни яратиш борасида ҳукуматнинг Дастурлари ва вазифалари белгиланмоқда.

Шунга кўра йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларига белгиланган имтиёз ва енгилликлар сони ортиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектларига берилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлардан Х.К унумли фойдаланиши, амалдаги қонунлар асосида иш фаолиятини ривожлантириши учун асосли омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1.1. Лойиҳанинг мақсади қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Танланган фаолият тури рентабилликни изоҳлаш;
- Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар талаби ва бозор талабларини ўрганиш ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш ҳажмини истикболлаш;
- Х.Книнг молиявий стратегиясини яратиш ҳамда фаолиятдан (ишлаб чиқариш) кутилаётган натижаларни баҳолаш;
- Имконият даражасида маҳаллий хом-ашёлардан, заруриятга қараб чет эл хом ашёларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш;
- Қўшимча иш ўринларини яратиш ҳисобига лицей-коллеж битирувчиларини ҳамда мутахассисларни иш билан таъминлаш;
- Ташқи ва ички иқтисодий омиллар ўзгаришига қараб жамиятнинг бошқарув тизимини ҳамда хўжалик юритиш фаолиятини иложи борича тезроқ адаптациялаштириш;

5.1. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ.

1.2. МЧЖ нинг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ замон талабига ҳамда аҳоли дидига қараб талабга жавоб берувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, яратиш ва келтириб сотиш;
- ✓ янги сегмент харидорларини жалб қилиш ҳамда маҳсулотлар сотиш ҳажминин пропорционал равишда ошириб бориш;
- ✓ оптимал бошқарув стратегиясини танлаш, малакали соҳа мутахассисларни масаласига диққат билан ёндашиши қўшимча ишчи ўринларни яратиш;
- ✓ комплекс замонавий жиҳозларни ишлатиш орқали, аҳоли эҳтиёжи ва буюртмачилар буюртмасига асосан товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ✓ ишлаб чиқариш орқали четдан товарлар келтириш харажатларини камайтириш ҳисобига маҳсулот сотиш нархини арзонлаштириш;
- ✓ МЧЖ мавқеини мустаҳкамлаш, даромад миқдорини пропорционал равишда ошириб бориш;

1.3. Лойиҳа фойдалигини аниқлаш:

Иқтисодий фойдалилик	Ижтимоий фойдалилик
Даромад олиш	Маҳсулот бозорини тўлдириш
Ижтимоий ва солиқ тўловлари	МЧЖ ишлаб чиқарган маҳсулотларини реализация қилиш
Ишчи ходимларга ойлик иш ҳақи бериш	Харидорлар талабини қондириш

1.4. Мазкур лойиҳанинг бир қатор афзалликлари:

- ➔ Маҳаллий ва хорижий бозорларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таклиф этиш;
- ➔ ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси турли хилдаги ҳамда керакли пайтда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот асартиментини ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги;
- ➔ бошқарувда илғор технология ва дизайнерларнинг янги ижод намуналари қўлланиши орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- ➔ барча ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб келтириладиган товарлар, маҳсулотлар савдоси тизимлаштирилган бўлиб, юқори рентабилликни таъминлайди;

6.БОЗОР ТАХЛИЛИ

Хозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли экспорт боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, етиштириш ва кенг турдаги хизматлар кўрсатиш бозор талабини асосини ташкил қилади.

Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари замонавий ишлаб чиқариш технологиялари асосида ташкил этиш ва ўзаро тажрибалар алмашиш давр талабидир. МЧЖ ҳам ўз имкониятларидан ва иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига **Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш** кенгайтириш орқали фаолиятни ривожлантиришни йўлга қўйиш режалаштирган.

Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда ушбу маҳсулотларга миқдор талаби борлигини аниқлашда бир қатор изланишларни олиб борган:


1. Бозор конъюктурасини системали тахлили;
2. Рақобатчиларни аҳоли ва уларнинг қувватларини ўрганиш;
3. Фаолиятни ҳаракат йўналишлари сиёсатини ўрганиш.

Маблағларни сарфлаш орқали қўйидаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:

1. Кўпчиликка манзур бўладиган қулай нархларда, сифатли резина маҳсулотларини ишлаб чиқариб етказиб бериш;
2. Реклама асосида аҳолига фирма, ташкилот ва муассасаларга ушбу маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш ҳамда маҳсулотларни сотиб олишларида ва хизматлардан фойдаланишларида шартномалар тузиш ва буюртмачиларни талабларини тўлақонли қондириш;
3. Миқдорларни талабларини қондириш уларга МЧЖ томонидан бир қатор имтиёзлар ва рағбатлантириш бериб бориш.
4. МЧЖ маҳсулот ва хизматлари брендлари, белгилари ва буклатлар тайёрлатиб миқдорларга етказиш:

МЧЖ томонидан бозордаги талаб ва таклифларни ўрганиш, миқдорларни сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш таҳлил қилиш ва ўрганиб бориш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожланишга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

6.1.БОЗОР ТАХЛИЛИ.



Шартли белгилар:

Q – Бозорга олиб чиқилган махсулот

P – Сотилган махсулот нархи

G_b – махсулотга булган потенциал талаб

G_f – махсулотнинг потенциал таклифи

O – Талаб ва таклифнинг оптимал ҳолати
(нарх ва махсулот миқдорининг оптимал кесишув нуқтаси)

ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг ушбу махсулотларига булган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу махсулотлар эҳтиёж ва талабнинг юқори булишига қарамасдан республика миқёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд бўлсади экспортбоп махсулотлар қамлиги.

Потенциал талабга қуйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

- Бозорда таклифнинг талабдан қам бўлиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд қамлаб кетиши талабнинг қескин қўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.
- Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истъмоқ товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг қамлаб кетишига сабаб бўлади.
- Ўринбосар махсулотлар таклифининг ортиши ва нархининг пасайиши – бу омилнинг таъсири айти махсулотни уринбосар товарларнинг қамлиги сабабидан унчалик сезиларли эмас.
- Айти ёки турдош махсулотлар импортининг ортиши – таъсири сезиларли эмас ва Ўзбекистондаги олиб қорилаётган қиёсат импорт тайёр махсулотлар қони ва миқдорини қамлаб кетишга йуналтирилган
- Ижтимоий қиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тугри муносабат равишда таъсир қилади.
- Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг қескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тугри муносабат равишда таъсир қўрсатиши мумкин.
- Юқоридаги омилларга ўхшаш яна қўлаб қиёсий аҳвол, иқтисодий танглик ва мафқуравий ўзгаришлар, уруш ва қорс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция қараёни, табиий оқатлар ҳам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

7. ФАОЛИЯТ РЕЖАСИ

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичлар маълумоти
1	Лойиханинг йуналиши	Жавоб бериши кутилмоқда.
2	Сохани етишмаслиги	Етишмовчилик даражаси ўртача 80-85 фоиз. (худуд бўйича)
3	Нархи	Нархи Рақобатчилар нархидан ўртача 10-20% га камайтиришни режалаштириш.
4	Сифатлилик даражаси	Давлат стандартига жавоб бериши кутилмоқда.
5	Сарфланган маблағни қоплаш	Мижозларга сифатли <i>Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш</i> етказиб бериш орқали, улардан олинадиган фойда йўли билан амалга оширишни кўзлаб.
6	Мижозларга сифатли Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш етказиб бериш орқали улардан олинадиган фойдани фаолиятни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида қилинадиган сарфлар харажатларини кўйидагича режалаштирилган.	<p>1. Бино қуриш учун қурилиш ишларига режалаштирилаётган маблағ - 10.000.000.000сўм (6.704.000.000сўм кредит ёки лизинг 3.296.000.000сўм ўз маблағи ҳисобидан)</p> <p>2. Дастгоҳлар, асбоб ускуналар ва жихозлар сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш учун йўналтирилиши режалаштирилаётган маблағ - 2.683.000.000сўм (ўз ҳисобидан)</p> <p>3. Айланма маблағ учун йўналтирилиши режалаштирилаётган маблағ - 400 000 000сўм (ўз ҳисобидан)</p> <p>4. Қўшимча ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар учун режалаштирилаётган маблағ - 100 000 000 сўм (ўз ҳисобидан)</p> <p>Жами – 13.183.000.000 сўм</p>

Асосий мажбуриятлари:

Такдим этилаётган лойиханинг амалга оширилишини умумий назоратини олиб бориш, молия-ҳужалик фаолиятини режалаштириши ва тартибга солиши.

Ушбу лойиханинг амалга олирилишини доимий назоратини олиб бориш, фаолиятини режалаштириши ва тартибга солиши.

7.1. ФАОЛИЯТ РЕЖАСИ.

2-жадвал

№	Номи	Нархи.сўм
1	Бино қуриш. Пардозлаш ва жихозлаш ишларига режалаштирилаётган маблағ	10.000.000.000сўм (6.704.000.000сўм кредит ёки лизинг 3.296.000.000сўм ўз маблағи хисобидан)
2	Ишлаб чиқариш дастгоҳ, ускуна ва жихозлар сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатиш учун режалаштирилган маблағ	2.683.000.000сўм (ўз хисобидан)
3	Айланма маблағ учун режалаштирилаётган маблағ	500 000 000сўм (ўз хисобидан)
4	Бошқа ва қўшимча кўзда тутилмаган харажатларга учун	100 000 000сўм (ўз маблағидан)
	Жами	13.183.000.000сўм

МЧЖга “_____ шаҳар, Юксалиш sanoa зонаси” худудидан 1.30га бўлган бўш ер майдони ажратилиши натижасида белгиланган тартибда 2018 йилдан бошлаб, 2018 йилнинг 4-чорагигача қурилиш ишларини тўлиқ битказилиб, махсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтирилган ҳолда 1-босқичини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

3-жадвал

Номи	Ўлчов бирлиги	И/ч бошлаш даври
Қурилишни бошлаш ва тугатиш даври		__ ойда (__ кун давомида), 2018 йил
Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш даври	сўм	_ ойда (__ кун давомида), 20__йил

МЧЖ махсулот хом-ашёларни ва дастгоҳ, асбоб ускуналарни тегишли тартибда қуйидаги аҳоли .корхона ва ташкилотлардан белгиланган тартибда шартнома асосида сотиб олишни режалаштирган.

- 1) _____
- 2) _____
- 3) _____


7.2.МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВ

_____ вилояти, _____ шаҳрида, Пластмасса сув сиғимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқаришга бўлган талабнинг юқорилиги ҳамда ҳудудда ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар етарли даражада кўп эмаслиги, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар камлигини англатади.

Ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган ушбу маҳсулотларнинг экспортини янада ривожлантириш мақсадида, дунёнинг бир қатор давлатларининг маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжлари доимий ўрганиб бориш фаолиятини ривожланишига сезиларли тасирини ўтказди.

Натижада қуйидаги кўрсаткичларга эришиш мумкин:

СЕГМЕНТЛАРНИ АНИҚЛАШ



а) Маҳаллий тадбиркорлар 60%

б) Хорижий тадбиркорлар 10%

в) Бошқа вилоят тадбиркорлик субъектлари 30%

Рақобатчилар таҳлили

№	Рақобатчилар номи	Давлат номи	Нархи	4-жадвал
				Ишлаб чиқариш қуввати
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				

7.3.МАРКЕТИНГ МАЖМУИ“4P”

5-жадвал

Product- Маҳсулот Сифатли, арзон резина (шланг) ишлаб чиқариш ва етказиб бериш	Price- Нарх Нарх қўйиш тамойили харидорларнинг талабидан келиб чиқиб белгиланади.
Place- Жой Бизнес _____ худуд– _____ МЧЖ вилояти, _____ шаҳар (Хонабод)худудида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан Қўшни давлатларга ва Чет эл давлатларга ҳамда Ўзбекистон бўйлаб етказиб бериш учун шароитлар ва имконияти мавжуд	Promotion-Харакатланиш МЧЖ ўз пештахта, афишалар, ОАВ орқали реклама, расмий веб сайтлар, кўргазма, ярмаркаларда иштирок этиш ва реклама тармоғлари орқали ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқариб сотишда имтиёз ва бонислар бериш орқали ҳам мижозларни ўзига жалб этади.

МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

6-жадвал

№	Мазмуни	Сегмент 1 (Импортёрлар)	Сегмент 2 (Худудий тадбиркорлар)	Сегмент 3 (Вилоятларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар)
1	<i>Истеъмолчиларнинг тавсифи</i>	Хорижий савдо компаниялари ва ишлаб чиқарувчилари	Худудда фаолият кўрсатаётган чакана ва улгуржи савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар	Вилоятларда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи, чакана ва улгуржи савдо фирмалари
2	Истеъмол ҳажми (келгусида 100%гача)	10 %	60 %	30 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Чет ва қўшни давлатларига	_____ вилояти	Вилоятлар
4	Маҳсулотга талабнинг камайиши, кўпайиши ёки барқарорлиги	Кўпаяди	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Маҳсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Юқори	Юқори
6	Маҳсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Орзоннарх, Сифатлилик	Орзон нарх, Сифатлилик	Орзоннарх, Сифатлилик

7.4.SWOT ТАҲЛИЛ

7-жадвал

<p>S- Кучли томонлари</p> <ul style="list-style-type: none"> - Шу фаолият билан шугулланиб келаётганлиги++ - бизнес учун жуда қулай ҳудудда жойлашган + - маҳсулотга бўлган талабнинг мавжудлиги++ - Зарурий маблағ ва ДАСТГОХ ускуналарининг мавжудлиги+ 	<p>W- Кучсиз томонлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Кучли брендга эга эмаслиги++ - Маҳсулот ишлаб чиқариш жойи кичиклиги ва ташқи (ички) бозорларга тўлиқ кириб бормаётганлиги++ 	<p>Кучли томонлар 4та</p> <p>Кучсиз томонлар 2та</p>
		<p style="text-align: center;">S > W</p>
		<p style="text-align: center;">++ S 4та</p> <p style="text-align: center;">++ W 2 та</p>
		<p style="text-align: center;">++S > ++W</p>
<p>O - Имкониятлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Чиқарилаётган Қарор ва Фармонларда тадбиркорлик фаолиятига катта эътиборнинг ортиб бориши++ - фаолият турини бошлаш ва кенгайтириш бино ва ер майдонларидан бериш ва фойдаланишни соддалаштирилганлиги++ - Маҳсулотларни экспорт қилишдаги енгилликлар++ - Банк кредитларини олишда енгилликлар++ 	<p>T-Тўсиқлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши ++ - Харид қобилятининг номуайянлиги++ - Комунал соҳадаги муаммолар юзага келганда++ 	<p>Имкониятлар 4 та</p> <p>Тўсиқлар 3 та</p>
		<p style="text-align: center;">O > T</p>
		<p style="text-align: center;">++ O 4та</p> <p style="text-align: center;">++ T 3та</p>
		<p style="text-align: center;">++O > ++T</p>

МЧЖ томонидан доимий ички ва ташқи бозор эҳтиёжи ўрганиб бориш, Натижасида бир қатор давлатларда ҳам ушбу маҳсулотларга бўлган талаб юқорилиги сабабли, лойиҳанинг бошланғич 10% гача келгусида 100% гача маҳсулотлари экспортга қаратилганлиги тўлалигича ўзини қоплаши кутилмоқда. Лойиҳанинг кучли томонлари 4 тани кучсиз томони эса 2тани, Имкониятлари 4 тани, тўсиқлари эса 3 тани ташкил қилиши лойиҳа зарур эканлигини исботламоқда.

Шунингдек, МЧЖ ушбу лойиҳани амалга оширишга эришгач 2018-2020 йил учун бир қатор босқичма-босқич ишлаб чиқариш маҳсулот турини кўпайтиришни ҳам амалга оширишни режалаштирилган ва бу 2018 йил давомида фаолиятни 1-босқичида, бинони қурилишни бошлаш кўзда тутилган ва 2019йилдан бошлаб тўлиқ биткалиб ишга тушурилиши фаолиятни бошлаш кўзда тутилган.

**Пластмасса сув сиғимлари 1 тонна (бак) ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ.

Ўртача 1 кунда, 1 ойда, 1 йилда и/ч миқдори. (1 донаси харажати **356500 сўм**)

8-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача миқдори метр/сўм	1 ойда ўртача миқдори метр/сўм	1 йилда ўртача миқдори метр/сўм
1	Пластмасса сув сиғимлари	дона	10	240	2 880
		сўм	3.565.500	85.560.000	1.026.720.000
	Жами	дона	10	240	2 880
		сўм	3.565.500	85.560.000	1.026.720.000

ТУШУМ ВА ХАРАЖАТИ.

Кутилаётган ўртача сотишдан тушум (1 донасинг нархи ўртача **410 000сўм**)

9-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум. сўмда	1 ойда ўртача тушум. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум. сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	4.100.000	98.400.000	1.180.800.000
	Жами	сўм	4.100.000	98.400.000	1.180.800.000

Кутилаётган ўртача харажат.сўм

10-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача харажат. сўмда	1 ойда ўртача харажат. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача харажат. сўмда
1	Харажати	сўм	3.565.500	85.560.000	1.026.720.000
	Жами	сўм	3.565.500	85.560.000	1.026.720.000

Кутилаётган тушум ва харажат.сўмда

11-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум/харажат сўмда	1 ойда ўртача тушум/харажат сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум/харажат сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	4.100.000	98.400.000	1.180.800.000
2	Харажати	сўм	3.565.500	85.560.000	1.026.720.000
	Кутилаётган ялпи даромад	сўм	534.500	12.840.000	154.080.000

**Пластмасса труба PPRC Pipe HN 16/25 ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ.

Ўртача 1 кунда, 1 ойда, 1 йилда и/ч миқдори. (1 метр харажати **3100 сўм**)

8-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача миқдори метр/сўм	1 ойда ўртача миқдори метр/сўм	1 йилда ўртача миқдори метр/сўм
1	Пластмасса труба 16/25	метр	1.750	42.000	504.000
		сўм	5.425.000	130.200.000	1.562.400.000
	Жами	метр	1.750	42.000	504.000
		сўм	5.425.000	130.200.000	1.562.400.000

ТУШУМ ВА ХАРАЖАТИ.

Кутилаётган ўртача сотишдан тушум (1 метр нархи ўртача **4000сўм**)

9-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум. сўмда	1 ойда ўртача тушум. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум. сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	7.000.000	168.000.000	2.016.000.000
	Жами	сўм	7.000.000	168.000.000	2.016.000.000

Кутилаётган ўртача харажат.сўм

10-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача харажат. сўмда	1 ойда ўртача харажат. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача харажат. сўмда
1	Харажати	сўм	5.425.000	130.200.000	1.562.400.000
	Жами	сўм	5.425.000	130.200.000	1.562.400.000

Кутилаётган тушум ва харажат.сўмда

11-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум/харажат сўмда	1 ойда ўртача тушум/харажат сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум/харажат сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	7.000.000	168.000.000	2.016.000.000
2	Харажати	сўм	5.425.000	130.200.000	1.562.400.000
	Кутилаётган ялпи даромад	сўм	1.575.000	37.800.000	453.600.000

**КАН труба 2,2 (3-метрли) ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ.

Ўртача 1 кунда, 1 ойда, 1 йилда и/ч миқдори. (1 дона харажати **13.500 сўм**)

8-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача миқдори метр/сўм	1 ойда ўртача миқдори метр/сўм	1 йилда ўртача миқдори метр/сўм
1	КАН труба 2.2	дона	122	2.928	35.136
		сўм	1.647.000	39.528.000	474.336.000
	Жами	метр	122	2.928	35.136
		сўм	1.647.000	39.528.000	474.336.000

ТУШУМ ВА ХАРАЖАТИ.

Кутилаётган ўртача сотишдан тушум (1 метр нархи ўртача **16.200сўм**)

9-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум. сўмда	1 ойда ўртача тушум. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум. сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	1.976.400	47.433.600	569.203.200
	Жами	сўм	1.976.400	47.433.600	569.203.200

Кутилаётган ўртача харажат.сўм

10-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача харажат. сўмда	1 ойда ўртача харажат. Сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача харажат. сўмда
1	Харажати	сўм	1.647.000	39.528.000	474.336.000
	Жами	сўм	1.647.000	39.528.000	474.336.000

Кутилаётган тушум ва харажат.сўмда

11-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги метр	1 кунда ўртача тушум/харажат сўмда	1 ойда ўртача тушум/харажат сўмда (24 иш куни)	1 йилда ўртача тушум/харажат сўмда
1	Савдодан тушум	сўм	1.976.400	47.433.600	569.203.200
2	Харажати	сўм	1.647.000	39.528.000	474.336.000
	Кутилаётган ялпи даромад	сўм	329.400	7.905.600	94.867.200

УМУМИЙ ХАРАЖАТ ВА ТУШУМ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА.

12- жадвал

№	Номи	Бирлиги	Бир ойда ўртача сўм	1-йилда ўртача сўм (12 ой)
	Тушум, харажат ва ялпи даромадларни ўртача умумий суммаси			
1	Пластмасса сув сиғимлари 1 тонна (бак) ишлаб чиқариш			
	Савдодан тушум	сўм	98.400.000	1.180.800.000
	Харажати	сўм	85.560.000	1.026.720.000
	Ялпи даромад	сўм	12.840.000	154.080.000
2	Пластмасса труба PPRC Pipe HN 16/25 ишлаб чиқариш			
	Савдодан тушум	сўм	168.000.000	2.016.000.000
	Харажати	сўм	130.200.000	1.562.400.000
	Ялпи даромад	сўм	37.800.000	453.600.000
3	КАН труба 2,2 (3-метрли) ишлаб чиқариш			
	Савдодан тушум	сўм	47.433.600	569.203.200
	Харажати	сўм	39.528.000	474.336.000
	Ялпи даромад	сўм	7.905.600	94.867.200
4	Умумий тушум ва харажатлар			
	Савдодан тушум	сўм	313.833.600	3.766.003.200
	Харажати	сўм	255.288.000	3.063.456.000
	Ялпи даромад	сўм	58.545.600	702.547.200



10.МОЛИЯЛАШТИРИШ РЕЖАСИ.

18-жадвал

Моддалар	Маҳаллий валюта	Жами	Струк тура (%)	Улуши (%)
Уз капитали хисобидан <i>Уз капитали хисобидан</i>	6.479.000.000	6.479.000.000	49,1%	49,1%
Жами	6.479.000.000	6.479.000.000	49,1%	49,1%
Кредитлар <i>Аҳолига сифатли полетелин маҳсулотлари ишлаб чиқариб етказиб беришида дастгоҳларга учун йўналитирилган маблағлар</i> <i>Бошқа ва қўшимча харажатларга</i>	6.704.000.000	6.704.000.000	50,9%	50,9%
ЖАМИ КРЕДИТЛАР			0%	0%
ХАММАСИ	13.183.000.000	13.183.000.000	100%	100%

11.Молиявий режаси.

19-жадвал

Харажат турлари	Умумий қиймати (минг сумда)	Кредит хисобидан	МЧЖ хисобидан
Бинони қурилиш ишлари учун режалаштирилаётган маблағ	10.000.000.000	6.704.000.000	3.296.000.000
Дастгоҳлар сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш учун режалаштирилаётган	2.683.000.000	0	2.683.000.000
Айланма маблағ учун режалаштирилаётган	400 000 000	0	400 000 000
Қўшимча ва бошқа кўзда татилмаган харажатлар	100 000 000	0	100 000 000
жами	13.183.000.000	6.704.000.000	6.479.000.000

12.ПУЛ ОҚИМИНИ ХАРАКАТИ.

МЧЖнинг ўртача тахминий даромадининг пул маблағларининг
харакатини кўриб ўтамиз:

20-жадвал

№	Номи	1 ойда	1-йилда. сўм (2018й)	2- йилда. сўм (2019й)	3-йилда. сўм (2020й)
1	Тушум	313.833.600	3.766.003.200	7.532.006.400	7.532.006.400
2	Харажати	255.288.000	3.063.456.000	6.126.912.000	6.126.912.000
	Ялпи даромад	58.545.600	702.547.200	1.405.094.400	1.405.094.400

Эслатма : Ойдан –ойга тушум ёки харажатлар ўзгариши мумкин, негаки олдиндан канча миқдорлар маҳсулотни сотиб олишлари мумкинлигини айтиши қийин, йил давомида яъни иш жараёни ўртача инobatга олинган ҳамда тушум, харажат ва фойда қўшилмоқда.

Соф пул оқимлари тўғрисида маълумот (сўм ҳисобида)

21-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	1 ойда	2018й (12 ой)	2019й (12 ой)	2020й (12 ой)
1	Тушум	313.833.600	3.766.003.200	7.532.006.400	7.532.006.400
2	Харажати	255.288.000	3.063.456.000	6.126.912.000	6.126.912.000
3	Ялпи даромад	58.545.600	702.547.200	1.405.094.400	1.405.094.400
4	Солиқ тўловлари	Маҳсулот харажатлари ичига киритилган (канкуляцияси) илова қилинади.			
5	Иш хақи ва иш хақи ажратмаси	Маҳсулот харажатлари ичига киритилган (канкуляцияси) илова қилинади.			
6	Кредит тани	0			
7	Кредит фоизи	0			
8	Кўшимча ва кўзда тутилмаган харажатлар	X	2.547.200	5.094.400	5.094.400
	Соф фойда	58.545.600	700.000.000	1.400.000.000	1.400.000.000

Изоҳ: Кўшимча ва кўзда тутилмаган харажатларга, банк хизмати, бозор нарх-наво ўзгарувчанлиги, коммунал тўловлар, табиий офатлардан зарар кўриши, маҳсулотларни сақлаш ва бошқа асосли сабаблар учун ажратилмаган жадвалдаги миқдорини режаслаштирилмоқда.

МЧЖ томонидан режалаштирилаётган фаолиятдан кутилаётган

даромади тахлили

22-жадвал

№	Курсаткичлар номи	МЧЖ. 50% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда	МЧЖ 75% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда	МЧЖ 100% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда
1	Кутилаётган Соф фойдаси	700.000.000	1.050.000.000	1.400.000.000

Изох: Юқорида кўрсатиб ўтилган яъни оладиган даромадини 50%-100% ташкил этиш режаси, бу тахлилдан мақсад МЧЖ томонидан қурилиш ишлари белгиланган муддатларда тугатилиб фаолиятини бошлаб олиниши, ушбу фаолиятдан тушумни пасайиши (кўтарилиши), кутилаётган режада кўрсатиб ўтилган хом-ашёларни сотиб олиш нархлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлари ўзгариши ва тайёр махсулотларни сотилиш муддатлари доимий ўзгариб туриши ва бошқа сабабларни инобатга олган ҳолда кутиладиган фойдани 3 хил кўринишда тахлил қилинди.

Изох: Юқоридаги кўрсатиб ўтилган нархлар ўзгарувчан бўлиши

- Нархлари асоссиз юқори бўлганда
- Савдо тушуми паст ёки юқори бўлганда
- Энг кам иш ҳақи ошганда
- Махсулот хом-ашёлари танқис бўлганда
- Бошқалар



Фойда олиши

Зарар куриши

14. ХУЛОСА.

Хар бир тадбиркорлик субъектлари фаолиятни бошлашидан олдин, яъни ўз бизнесини яхшилаб ўйлаб иш кўриши, тадбиркорликка оид хужжатларни юритилишини ўрганиши, доимий билим ва кўникмаларини мустахкамлаб бориши. оқ билан қорани ажрата олиши, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда фаолиятларни амалга оширилиши, ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан унумли ва оқилона фойдаланиш асосий вазифадир.

Республикамиз ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш юзасидан Юртбошимиз томонидан чиқарилган бир қатор Фармон ва Қарорларни ҳукумат қарорларини ўрганиб бориш, ижроси бўйича Оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилаётган материаллар, чоп этилаётган қўлланма адабиётлар, газета ва журналлардан фойдаланиш қолаверса жойларда ўқув семинарлари, махсус курслар, тренинглари иштирок этиш – бу кичик ва ўрта бизнес тизимида фаолият кўрсатаётган хар бир тадбиркорлик субъектлари учун муҳим омил ҳисобланади. Х.К режалаштирилган лойихадаги фаолият турини кенгайтиришни амалга ошириш натижасидан молиявий ҳолати ва даромадини барқарорлигини таъминлаш янги иш ўринларини яратиш ҳамда ***Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш*** экспортга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, МЧЖ фаолиятини яънада кенгайтириши, иш режаларини ишлаб чиққан ҳолда режалаштириши муҳум рол ўйнайди.

1. Келгусида янги лойихалар устида иш олиб бориш ва аҳолига кўшимча янги турдаги ***Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш*** ҳамда кўшимча хизмат кўрсатиш фаолиятларини ҳам ташкил этишни режалаштириш;
2. Шаҳардаги ишсиз ёш йигит ва қизлар иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни босқичма-босқич кенгайтириб бориш натижасида янги иш ўринлари яратишни режалаштириш ва йўлга қўйиш;

Вилоятимизда, шаҳримизда янги иш ўринлари яратиш (ёшларни иш билан таъминлаш) ва шу билан бир қаторда аҳолига имкониятидан келиб чиққан ҳолда, янги замонавий технологиялар асосида, сифатли ***Пластмасса сув сизимлари, қувурлари ва қисмлари ишлаб чиқариш*** хизматлар кўрсатиш улардан олинадиган даромадларни самарали ишларга ишлатиш мақсадида халқимизга ва давлатимизга муносиб хизмат қилиш орқали муносиб ҳиссамизни қўшиш кўзда тутилган.

(ўшбу лойихага тегишли хужжатлар асослантириб илова қилинади)

МЧЖ раҳбари _____

Ш.Кадиров

ИМЗО

**ФАОЛИЯТНИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖАРАДАГИ ЖОЙДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ФОТОСУРАТИ.**

